O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 19 апрель, № 76 (4229) Пайшанба

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОҲИРА УЧРАШУВЛАРИ

(ҚОҲИРА, 18 апрель. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Миср Араб Республикаси Президенти саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ислом Каримов ва Муҳаммад Ҳусний Муборак шоҳсупага кўтарилдилар. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Миср раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, Ўзбекистон ва Мисрнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов ва Ҳусний Муборакнинг Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ёндашувлари ўхшаш. Гуманитар ҳамкорлик доирасида илм-фан, таълим, санъат, соғликни сақлаш соҳаларидаги алоқалар фаоллашмоқда. Иқтисодий ҳамкорликнинг ҳам истиқболи порлоқ. Юқори технологиялар, саноатнинг бир қатор тармоқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш – булар ҳам ҳамкорлик, ҳам тажриба алмашиш учун қулай соҳалардир.

Икки мамлакат ҳам ташқи сиёсатда тинчликпарварлик тамойилларига таянади. Миср Қўшилмаслик ҳаракати асосчиларидан бири бўлса, Ўзбекистон Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш ташаббускоридир. Президентлар террорчилик, экстремизм, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашишда ҳамжиҳатлик билан иш тутиш зарурлиги борасида ҳамфикрдирлар.



Президентлар раҳбарлигидаги Ўзбекистон ва Миср расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Икки мамлакатда ҳам иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Лекин бу имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Масалан, юқори технологиялар, жумладан, биотехнология соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ. Сайёҳлик ҳам устувор йўналишлардан. Мисрда Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларини, айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хивани зиёрат қилиш истагида бўлганлар, Ўзбекистонда эса Мисрнинг тарихий обидаларини, хусусан, эҳромларни кўриш иштиёқидаги сайёҳлар кўп. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Миср ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг яқинда Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида ҳамкорликнинг улкан имкониятлари намоён бўлди.

Илмий-маданий алоқалар бу йўналишдаги кўп асрлик ҳамкорлик тажрибаси ва анъаналарига таянади. Нил дарёсида улуғ бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғоний томонидан IX асрда бунёд этилган сув миқёсини ўлчайдиган иншоот бугун ҳам хизмат қилиб келаётганининг ўзи ёрқин мисолдир. Икки мамлакатнинг академик доиралари, маданият ва санъат намояндалари яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Олимлар қадимий қўлёзмаларни ўрганиб, реставрация қилмоқда. Миср хонанда ва созандалар орасида Самарқандда ҳар икки йилда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали катта довруғ қозонган.

Икки мамлакат кадрлар тайёрлашда бир-бирига кўмак бераётир. Ўзбекистон ва Миср олий ўқув юртлари ўртасида йигирмадан зиёд ҳамкорлик битими имзоланган.

Томонлар барча соҳаларда ўзаро манфаатдорлик асосида узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов "Кубба" қароргоҳида Миср Бош вазири Аҳмад Назиф билан учрашди. Мулоқот чоғида ушбу ташриф Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариши таъкидланди. Томонлар савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикасининг қўшма баёноти қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда ҳамкорлик, судьялар малакасини ошириш ва суд-ҳуқуқ соҳасида тажриба алмашиш тўғрисидаги битимлар, ахборот соҳасида ҳамкорлик, 2007-2010 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар, шунингдек, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Миср Миллий спорт кенгаши, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Миср Халқаро ҳамкорлик вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Миср Савдо палаталари федерацияси, "Ўзинфоинвест" агентлиги билан Миср Инвестиция ва эркин ҳудудлар бош дирекцияси, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Миср Стандартлаштириш ва сифат ташкилоти, Ўзбекистон Марказий банки билан Миср Марказий банки ўртасида англашув меморандумлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Миср Искандария кутубхонаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Миср Миллий банки, "Банк дю Каир" ва "Банк Мисрий" ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Президент Ислом Каримов Миср ташқи ишлар вазири Аҳмад Абулғайтни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, маслаҳатлашувларни мунтазам йўлга қўйиш масалалари хусусида сўз борди.

Миср араб дунёсининг етакчи мамлакатларидандир. Араб давлатлари лигасини ташкил этиш, унинг фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам расмий Қоҳира муҳим ўрин тутган. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ушбу ташкилот Бош котиби Амр Мусо билан учрашди. Мулоқот чоғида мамлакатимизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлиги, у орқали араб давлатлари билан муносабатларини ривожлантириш масалалари асосий мавзу бўлди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги билан Араб давлатлари лигаси Бош котибияти ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қоҳира марказидаги Номаълум аскар монументи ва Анвар Саодат мажмуини зиёрат қилди, ёдгорликлар пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар иккала палатасида қимматли қоғозлар бозори фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирни ташкил этишда Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар, Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмиталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази мутасаддилик қилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

"Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш истиқболлари" деган мавзуда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида ўтказилган семинарда қимматли қоғозлар бозорининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш хусусийлаштириш соҳасидаги бозор муносабатларини жадал ривожлантириш тақозо этган объектив зарурат эканлиги таъкидланди. Шу билан бирга бу соҳадаги мавжуд қонун ҳужжатларида бир-бирини такрорловчи нормалар кўп, қолаверса, улар умуман олганда, шиддат билан ривожланиб бораётган қимматли қоғозлар бозорининг акциядорлар ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган талабларига тўлиқ жавоб бермайди, фонд бозорини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва изчиллигини акс эттирмайди. Айни ана шу сабаблар "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги янги қонун лойиҳасини яратишга туртки бўлди. Бу қонун лойиҳасидан кўзланган мақсад қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш, муомалага киритиш ва бекор қилишда қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасида "Қимматли қоғозлар бозорининг қонунчилик асослари: жорий ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари" деган мавзуда бўлиб ўтган семинар иштирокчилари мамлакатимиздаги қимматли қоғозлар бозорида кечаётган теран ўзгаришлар жараёни аҳамиятига алоҳида урғу бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу йўналишда муҳим қадам бўлиб қолди. Мазкур қарорда қимматли қоғозлар бозорини унинг ошкоралиги ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестициялар жалб этилишини кучайтириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминлаш йўли билан янада равнақ топтириш, корхоналарни давлат тасарруфидан тўлиқ чиқариш ва янги акциядорлик жамиятлари тузиш ҳисобига қимматли қоғозлар бирламчи бозорини янада ривожлантириш, қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини жадал тараққий эттириш ва унинг қўламларини кенгайтириш, фонд бозорининг замонавий инфратузилмасини шакллантириш ҳамда унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қимматли қоғозлар бозори учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари ташкил этилишини яхшилаш назарда тутилган.

Муҳокама асносида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори талаблари асосида амалдаги қонунларимизга бир туркум ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизмини

(Давоми 2-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Кеча матбуотда Президентимизнинг "Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг "Универсиада — 2007" спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

«Универсиада — 2007»

Эсингизда бўлса, бундан бир неча йил муқаддам Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли спорт ҳаракати —"Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақаларига асос солинганди. Йиллар ўтган сайин унинг қатнашчилари сони кўпаймоқда, оммавийлиги ошмоқда, эришилаётган натижалар ҳам яхшиланиб бораётир.

Талабалар спорт мусобақаларининг биринчиси 2000 йил Наманганда бўлиб ўтганди. "Универсиада—2002" (Бухоро), "Универсиада —2004" (Самарқанд) мамлакатимиз спорти тарихида ўзига хос из қолдирди. Муҳими, мусобақалар муносабати билан жойларда бири-биридан гўзал замонавий спорт иншоотлари қад ростлади, одамларнинг спортга муносабати ўзгарди. Ёшларимиз спорт майдонларида якдил бўлиб юрт шарафини ҳимоя қилмоқдалар.

(Давоми 4-бетда).

ДУНЁ НИГОҲИ

■ Маълумки, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказида, Марказий Осиё эса Евросиёнинг қоқ ўртасида жойлашган. Бу Ўзбекистоннинг геостратегик ролини сезиларли даражада оширмоқда. Шу боис бу юртда рўй бераётган воқеалар, мамлакат раҳбариятининг минтақада осойишталикни сақлаш, жамиятни демократлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари барча қўшни давлатлар учун, шу билан бирга Ҳиндистон учун ҳам жуда муҳимдир.

Н. СИСОДИЯ,
Ҳиндистон Мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институти директори.

Маҳсулот — хорижга

«Навоийазот» очиқ акциядорлик жамияти қошида эронлик ҳамкорлар билан ташкил этилган «Taael porme servis» қўшма корхонаси ишга туширилди.

■ Бу ерда Германия ва Англиядан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилгач, бир кеча-кундузда 350 тадан 400 тагача елим идишлар ишлаб чиқарилаётир. Қувончлиси, бу маҳсулотларнинг асосий қисми Қозоғистон, Тожикистон, Россия, Эрон ва Покистон давлатларига экспорт қилинмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида қўшма корхона томонидан 15,67 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар хорижга жўнатилди.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ.

Модернизация шарофати

Андижон вилоятидаги «Холис» масъулияти чекланган жамияти ва «Асакатекстиль» акциядорлик жамиятида ўз умрини яшаб бўлган эски дастгоҳлар янгиларига алмаштирилди.

■ Шу мақсадда, Давлат инвестиция дастурига кўра, 1,2 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ўзлаштирилди. Натижада ишлаб чиқариш қувватлари ортди, маҳсулот сифати яхшиланди, янги иш ўринлари яратилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Биринчи босқич тугалланди

Гулистон шаҳрида тоза ичимлик суви тармоқларини такомиллаштириш лойиҳасининг дастлабки босқичи тугалланди.

■ Бугунги кунгача 16 километр узунликда янги сув қувурлари ётқизилди. Хонадонларга тоза ичимлик суви етказиб берадиган ҳавза қурилиши ҳам поёнига етди. 2007 йилнинг охиригача яна 17 километр масофага қувурлар ётқизилади. Ана шу мақсад учун 1420 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

«Осиё Тараққиёт банки» иштирокида амалга оширилаётган бу лойиҳа уч босқичдан иборат бўлиб, бош пудратчи Туркиянинг «Эсер» компаниясидир.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимизда ижтимоий ҳаётни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини янада оширишга бағишланган видеоконференция бўлиб ўтди. Унда Тошкентдаги оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлар билан бирга, уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳамкасблари ҳам иштирок этиш имконига эга бўлдилар.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ДАВР

Анжуман Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилди. Видеоконференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, маънавият тарғиботчилари, мамлакатимиздаги газета ва журналлар, электрон нашрларнинг раҳбарлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

БОҚИЙ МЕРОС

Фахр



Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда "Ислом маданияти пойтахти" деб номланиши буюк ўтмишимизнинг муносиб эътирофи бўлди. Президентимиз "Туркистон-пресс" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида бу мамлакатимиз ҳаётидаги улкан маданий-маънавий воқеа эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга, бундай номга сазовор бўлишнинг ўзига хос асос ва мезонлари борлигига эътибор қаратди.

Бунинг асоси, аввало, истиқлол йиллари мамлакатимизда маънавий-маърифий эврилишлар даври бўлганлигидир. Бобокалонларимизнинг бой маънавий мероси қайта қадр топди, муқаддас қадамжолари обод бўлди.

Бугун юртимизнинг қаеридаки муқаддас қадамжолар бўлса, барчасига илоҳий бир файз инган. Улардан энг табарруклари Самарқанддаги Имом Бухорий ва Имом Мотуридий мажмуалари, Бухородаги Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳлари, Сурхондарёдаги Имом Термизий ва Ҳаким Термизий мақбаралари, Қашқадарёдаги Дорут-тиловат мажмуаси ва Одина масжидлари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин ал-Марғиноний ёдгорликлари, Карманадаги Қосим шайх қадамжоси ва Хивадаги Ичонқалъа обидаларидир. Кўп асрлик тарихни ўз ичига олган Шоҳи Зинда мажмуаси эса бир неча йиллардан буён қунт билан таъмирланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Йигитлар хизматга йўл олди

Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бошқармасининг чақирув-йиғин пунктида Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этишга отланган бир гуруҳ ёшларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлди.

Тадбирда "Маҳалла" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон бўлими кенгаши раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ота-оналар сўзга чиқиб, ҳарбий хизматга жўнаётган йигитларга оқ йўл тиладилар, уларни мустақил Ватанимизнинг муносиб посбони бўлишга чақирдилар.

Ўз навбатида аскарликка отланаётган йигитлар халқимизга, Ватанимизга содиқ бўлишга, йигитлик бурчини сидқидилдан адо этишга ваъда берди.

Хизматга жўнаб кетаётган йигитларга ҳомийлар ва ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Наманган вилояти Тўрақўрғон трактор таъмирлаш – "Охангар ТТТ" ишлаб чиқариш компанияси барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш, уларни зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш билан шуғулланади.

Шунингдек бу ерда халқ хўжалиги учун зарур бўлган халқ истеъмол моллари, хорижда ва ҳамдўстлик мамлакатларида ишлаб чиқарилган техникаларга агрегатлар етказиб беришда водийдаги пешқадам жамоалардан ҳисобланади.

Корхонада шароитларнинг мухайё этилгани, ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига жиддий эътибор берилаётганлиги боис иш сифати ва унуми юқори бўлмоқда.

СУРАТДА: ўз касбининг устаси Муроджон Мелибоев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Интернет фестивали ғолибаси



Андижон шаҳридаги 1-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Светлана Каримова Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, республика Хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор халқаро ҳомий ташкилотлар томонидан ўтказиб келинаётган «Хотин-қизлар интернет фестивали»нинг бош соврини — энг сўнгги русумдаги компьютер жамламаси билан тақдирланди. Шунингдек, Булоқбоши туманидаги 43-мактаб ўқувчилари Гулчирой Омонова, Нигора Буваматовалар ҳам фестиваль совринлари сафидан жой олдилар.

Чорвадорларга қулайлик

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида Жиззах вилоятида қорамоллар сони ўтган йили 40,8 минг бошга кўпайди.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлар сафи кенгайиб, хонадонлардаги чорва моллар сони кўпайиб бораётгани ҳудудда зооветеринария ва бошқа сервис хизматларини ташкил қилиш, мол бозорларини қуриш ва реконструкциялаш ишларини жадаллаштиришни тақозо этмоқда. Айни пайтда вилоятдаги мавжуд мол бозорларининг барчасида ветеринария лабораториялари, қушхоналар ишлаб турибди. Шу йилнинг биринчи чорагида яна олтита зооветеринария пункти ва еттита қушхона ишга туширилди.

Зафаробод туманида ҳам барча қулайликларга эга янги мол бозори фойдаланишга топширилди.

Сифатли ва арзон

Сурхондарё вилояти Узун туманидаги "Бинафша" хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган пишиқ ғишт сифати ва арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Корхонада ўтган йили қарийб бир ярим миллион дона ғишт ишлаб чиқарилди. Бу йил эса қўшимча замонавий ускуналар ўрнатиш эвазига маҳсулот ҳажмини икки баравар ошириш мўлжалланаётир. Корхона маҳсулотларидан таълим муассасалари қуришда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

— Тез орада мармар плита ва майдаланган мармар ишлаб чиқариш цехи ҳам иш бошлайди, — дейди корхона раҳбари Акбар Камолов. — Йигирма киши иш билан таъминланадиган ушбу цехда йилига ўртача 2 минг квадрат метр қурилишбоп материал тайёрланади.

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

янада эркинлаштириш мақсадида "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги амалдаги қонунларимизнинг нормаларини муайян бир тизимга соладиган, қимматли қоғозлар бозорини бошқариш ва ривожлантириш соҳасидаги халқаро қонунчилик тажрибаси ҳам инобатга олинган "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Фонд бозоридаги мавжуд камчиликлар хусусида семинар иштирокчилари томонидан қатор танқидий фикр-мулоҳазалар ҳам айтиб ўтилди. Акциялари ташкилий тартибдаги биржа бозорларининг ва биржадан ташқари бозорларнинг савдо майдонларида бўлган эмитентларга доир маълумотларнинг электрон базаси йўқлиги, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг ўриндошлик фаолияти амалдаги қонун ҳужжатларига кўра тақиқланганлиги шундай камчиликлар сирасига киради. Қимматли қоғозларнинг минтақавий ва маҳаллий бозорлари воситалари ҳамиша ҳам минтақавий иқтисодиёт ҳамда минтақавий молия бозорининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини инобатга олган ҳолда шакллантирилаяпти деб бўлмайди. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда қимматли қоғозлар иккиламчи бозори ривож топмаган, бу борадаги тушунтириш ишларининг даражаси ва кўламлари талабларга монанд эмас.

Семинарда қонун ҳужжатларининг миллий фонд бозорини халқаро тизимга интеграциялашга доир талабларидан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга, қимматли қоғозлар бозори институтларини янада ривожлантириш ҳамда фонд бозорининг янги молиявий воситаларини амалиётга жорий этишга, корпоратив бошқарув усулларини татбиқ этиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф қилиш борасида акциядорлик жамиятлари бошқарув органларининг масъулиятини оширишга қаратилган аниқ-равшан таклиф ва мулоҳазалар муҳокама этилди.

Иштирокчилар қимматли қоғозларни чиқариш ҳамда муомалага киритиш қўламларини кенгайтиришда ҳуқуқий рағбатлантириш омиллари зарур эканлиги ҳақидаги таклифларни ҳам айтиб ўтдилар.

Муҳокама якунлари асосида семинарларнинг иштирокчилари тегишли тавсиялар қабул қилдилар.

Семинарларнинг ишида депутатлар, сенаторлар, вазирлик ҳамда идораларнинг, акциядорлик жамиятларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шу жумладан, акциядорлар ва олимлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг матбуот хизматлари.

ОЛИС ЧЎЛЛАР БИНАФШАСИ

Ифтихор

Юртимизнинг олис чўл ва саҳролари, қирликлару тоғ этакларидан нефть ва газ сингари қимматбаҳо хазина захираларини изловчи контопарлар ҳақида ўйлаганда, дафъатан уйимиздаги нур ва ўчоғимиздаги олов кўз олдимизга келади. Зеро, уйимиздаги ана шу мунавварлик, Ватанимиз ободлиги, ҳурриятимиз барқарорлиги заҳматкаш контопарларимиз ғайрат-шижоатию жасоратларига ҳам вобастадир.

Уйимиздаги нур, ўчоғимиздаги кўр

...Эрта кўкламнинг эрка насимлари эса бошлаган шу кунларда кенгликларнинг ажиб манзаралари, дашт ва қирлар жамолига боқиб тўймайсиз. Ватанимиз ҳудудининг бу қадар бепоёнлиги, кўз илғамас кенгликларда яйраб юрган қўйлар суруви, гоҳи-гоҳида кўзга ташланиб қоладиган чўпонлар ўтови ҳаёлингизда моҳир рассом яратган мўъжизавий манзаралардек муҳрланиб қолади.

Тобора яшилланиб бораётган она табиат, қирликларга сеп ёйган бинафшалар кўзингизни яшнатиб, руҳингизни енгиллаштиради. Беихтиёр беқиёс Ватаннинг фарзанди эканингиз, ҳаёт деб аталмиш буюк неъматдан бахрамандлигингиздан яйраб, Яратганга шукрона айтасиз.

Шундай фараҳли кезларда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг бир қанча бўлинмалари мамлакатимиз энергетика мустақиллигини мустаҳкамлашдек кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Биласиз, янги конларнинг очилиши ва ишга туширилиши, аввало, катта ҳажмдаги қидирув-разведка ва бурғилаш жараёнларидан бошланади. Бу ишлар эса миллий холдинг компаниянинг «Ўзбекгеобурғинефтгаз» акциядорлик компанияси жамоаси зиммасига юклатилган. Унинг бош қароргоҳи ёнилғи-энергетика заҳираларининг йирик марказларидан бўлган Қашқадарё вилоятида жойлашган. Компания бош директори, геология-минералогия фанлари номзоди Тўйчи Шоймуродов олиб борилаётган ишлар ҳақида шундай деди:

— Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисида таъкидлаганидек, 2007 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда 80 га яқин инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Жумладан, Уст-Юрт минтақаси, Орол денгизи ва бошқа инвестиция киритилаётган ҳудудларда нефть ва газ бўйича геология-қидирув, углеводород хомашёсининг истиқболли конларини ўзлаштириш ишлари давом эттирилади. Шу мақсадда Уст-Юртнинг табиий шароит туфайли илгари кам ўрганилган кенгликлари, туз билан қопланган ёки ботқоқ жойлар, Орол денгизи сатҳи (акваторияси) шунингдек, рельефи оғир бўлган тоғли ҳудудларимизга дунёда нефть ва газ соҳасида муайян нуфузга эга бўлган Россиянинг "Газпром", "Лукойл", Хитойнинг "CNPC", "Дуншэн", Кореянинг "CNOP", "Кореягаз", Малайзиянинг "Петронас Чаригали" каби бир қатор компаниялари жалб этилган.

Компаниямиз бу йил 85 млрд. куб метр табиий газ ва 5 млн. тонна суюқ углеводород захирасига эга янги конларни элимизга туҳфа этиш учун геология, геофизика ишлари, қидирув қудуқларини бурғилаш жараёнларини жадаллатмоқда. Соҳага кириб келаётган янги техника ва хорижий илғор технологиялар, илмий-амалий тадқиқотлар самарасини ошириш масаласи ҳам контопарларимиз диққат марказида турибди.

Шу суҳбатдан кейин қиш уйқусидан уйғонаётган шаҳарқишлоқларни ортда қолдириб, Деҳқонобод тоғларига туташ баланд қирлар этагидаги «Жанубий Тандирча» конлари сари йўл олдик. «Шўртангаз» мажмуига етмай туриб, Деҳқонобод тарафга бурилдик. Ҳув нарида, чап томондаги қирликлар орасида бурғилаш қурилмасининг темир минораси савлат тўкиб турарди.

— Ўтган йил баҳорида мана шу қудуқдан нефть отилиб чиққан, — дея изоҳ берди ҳамроҳим, компаниянинг Косон нефть-газ қидирув экспедицияси бошлиғи Саид Исоқов. — Биз ушбу ҳудудни «Шимолий Тандирча» деб аталмиз...

Бу қурилма «Зеромакс» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасига тегишли экан. Бугунги кунда ушбу корхона аҳли Ғузорнинг «Тахам» қирликларида қидирув ишларини олиб бормоқда. «Шимолий Нишон» конларида эса мазкур хорижий компания аввал топилган газ конларимиздан ёнилғи олиш бўйича ҳам бурғилаш ишларини давом эттирмоқда.

Чехиянинг «Эриелл» компанияси эса углеводородли қазилма бойликларимиздан фойдаланиш ишларини жадаллатиш бўйича қўшма корхона тузган. Мазкур компания Ғузордаги «Бузахур» конларидан топилган газ кондесатини қазиб олишда биз билан ҳамкорлик қиляпти. Айни чоғда «Шимолий Ўртабулоқ» нефть конида капитал таъмирлаш ишларини ҳам олиб бораяпти.

Ҳамроҳимнинг айтишича, ҳар икки қўшма корхона вилоят ҳудудидаги ўндан ортиқ бурғилаш мажмуаларида фаолият кўрсатмоқда. Ушбу қурилмаларда асосан маҳаллий мутахассислар ишламоқда.

Йўл четларида ер юзасига чиқиб турган ва кичкина тўсиқ билан ҳимоялаб қўйилган газ қудуқларига кўзимиз тушади. Бундай қудуқлар жуда кўп. Уларни томоша қила-қила манзилимизга ҳам етиб келдик. Сал беридаги вагон-уйларда мажмуа аъзолари тушлик қилиб ўтиришарди. Шу жойда экспедициянинг бурғилаш усталари сардори Олим Санақулов билан танишдик.

Олимбой ўз фаолиятини асли бурғиловчига шогирдликдан бошлабди. Қўқондаги нефть-газ техникумини битиргач, кўп йиллар давомида бурғиловчиликнинг қаттиқ ва ҳалол нонини татиб кўрибди. Бир муддат хорижда — араб саҳроларида ҳам нефть ва газ конларини қидиришда иштирок этиб, бой тажриба орттирибди. Шу боис у раҳбарлик қилаётган бўлинмада барча ишлар рисоладагидек ташкил этилганига гувоҳи бўлдик.

Олимбой дастлаб ўзига хос шаҳарчани эслатувчи бурғилаш мажмуининг бутун хўжалиги билан таништириб чиқди. Қудратли дизель двигателлари бир маромда ишлаб, "шаҳарча"ни электр билан таъминлаб турибди. Ер тубига уч-уч ярим минг метргача кириб борган бурғилаш ускуналарини ҳам шундай дизеллар ҳаракатга келтиради. Бироқ ишнинг қийини бурғиловчи зиммасида. У ҳар бири 8-12 метрлик қувурларни ер остига бир неча маротаба тушириб, яна чиқариб олиши керак. Қувурларнинг алмаштирилиши эса қўлда бажарилади. Бу жараён кўп бора такрорлангани сайин пўлат қувурлар ер остига чуқурроқ кириб бораверади. Унинг учига бурғиловчилар тилида "долота" деб аталадиган пармалаш ускунаси ўрнатилган. Ер тубидаги белгиланган қатламга тезроқ етиб бориш тупроқ остидаги қаттиқ жинсларни эритувчи махсус қоришманинг нечоғли пухта тайёрланиши-ю, турли қатламларнинг юмшоқ ёки қаттиқлигига ҳам боғлиқ.

Олим Санақулов ана шу жараёнларни бирма-бир кўрсатар экан, бизга контопарликнинг энг оғир юкини елкасига олган яна бир бурғиловчи Обиджон Тоғаевни таништирди. Паҳлавон келбатли бу йигит олти йилдан буён шу ерда ишлаётган экан. Қадоқ қўллари, ўктам боқувчи кўзлари гўё унинг орзу-ўйларини рўй-рост айтиб тургандай. Эҳтимол, у ҳам келгусида Олимбойдек бурғиловчилар сардори бўлишни ният қилгандир. Ҳар бир қудуқни бошидан-охиригача қазиш жараёнидаги барча ишлар, вақтида ҳал этилаётган муаммолар ечими ўзига хос мактаб, ахир. Бу мактабда пишганларгина мураккаб вазиятларда бирдан-бир тўғри қарор қабул қила оладиган ўз касбининг усталари бўлиб етишади. Саид Исоқов компанияда кўп йиллар оддий бурғиловчи сифатида ишлаб, сўнгра бу соҳанинг моҳир усталари сафидан ўрин олган ишбошилар Маҳмудхон Ҳикматов, Нормурод Хўжамуродов ва Қаҳрамон Суннатов ҳақида фахр-ифтихор билан сўзлади.

— Табиий газ ва нефтнинг истиқболли захираларини аниқлаш ниҳоятда мураккаб иш бўлиб, унинг ҳар бир босқичи ўзига хос туғалланган жараёнларни кўзда тутади, — суҳбатга қўшилади компаниянинг геология-геофизика ишларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Анвар Тошқулов. — Айтайлик, геофизикларнинг дастлабки маълумотларига асосланган ҳолда, у ёки бу ҳудуднинг ер ости бойликлари захирасини аниқлаш мақсад қилиб қўйилса, бунинг учун ўша ҳудуднинг муайян жойида икки ёки учта қудуқ қазиб кўришнинг ўзи билан иш битмайди. Мабодо ана шу қудуқлардан хомашё чиқса, унинг захирасини аниқлаш учун яна ўн-ўн бештагача қидирув қудуғи қазишга тўғри келади. Шундан сўнг ишни «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси бўлинмалари давом эттиради. Пировардида яна ўнлаб қудуқлар қазилиб, табиий босим остида юқорига чиқаётган ёнилғи хомашёси "зангори олов дарёлари"га янги ирмоқлар бўлиб қўшилади.

Қашқадарё нефти

«Ўзбек пахтаси», «ўзбек гази» деган кўнгилда ифтихор уйғотувчи атамаларга қанчалар кўникиб қолган бўлсак, «ўзбек нефти» деган гўзал ибора ҳам бугун шунчалик оммалашмоқда. Она табиатнинг бу қимматбаҳо неъмати бежиз "қора олтин" дея эъзозланмайди. У мамлакат олтин захираларини кўпайтирувчи ноёб бойлигимиздир.

Айниқса, Қашқадарё кенгликларида мавж ура бошлаган "қора олтин" конлари қалбимизда бемисл ғурур уйғотади. Чунки оппоқ пахтамиз каби нефтимиз ҳам мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон қўламидаги нуфузини оширмоқда.



Қувончлиси, яқинда табаррук ёшини нишонлаган кўҳна Насафга туташиб кетган Хонобод қишлоғи ёнгинасида бир ойча аввал отилиб чиққан нефтдан ҳозирнинг ўзидаёқ баҳраманд бўлинмоқда. Янги кон билан танишиш мақсадида у ерга бориб, улкан цистернали машинага қуюлиб турган "қора олтин"ни завқланиб кузатдик. "Ўзбекгеобурғинефтгаз" акциядорлик компаниясининг бурғилаш ишлари бўйича технологи Эркин Шоназаровнинг таъкидлашича, бу қудуқдан бир кеча-кундузда салкам ўн куб метр нефть олинмоқда.

— Бу биз учун марра эмас, — деди у. — Компаниямизнинг Косон нефть-газ қидирув экспедицияси шу кон атрофида яна бир нечта қудуқ кавлашга тараддуд кўрмоқда. Бу юмуш ниҳоясига етса, ундан олинадиган хомашё миқдори янада ортади.

Ўтган йили эса Ғузор экспедицияси (бошлиғи Гулмурод Мавлонов) «Шимолий Тандирча», «Феруза» нефть конларини очган эди. Эндиликда улар навбатдаги қудуқларни бурғилаб, нефть захираларини аниқлашга киришдилар.

Бундан ташқари, шу экспедиция бултур Деҳқонобод ҳудудидан ҳам янги нефть конини топиб, дастлабки қудуқни «Шўртангаз» мажмуига фойдаланиш учун топширган эди. Ҳозирда ушбу манзилда навбатдаги қудуқдаги бурғилаш ишларини якунлаш ва учинчи қудуқ ускунасини ўрнатишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Чўл бинафшалари кўклам саховатидан дарак берганидек, Феруза Хонобод, Тандирча ва Деҳқонобод ҳудудларида очилган янги конлар Қашқадарёнинг "қора олтин"га ҳам бойлигини намоён этмоқда. Улар атрофида бирин-кетин бурғилаш қурилмаларининг баланд миноралари кўкка бўй чўзаётир. Бу билан элимиз фаровонлиги учун мустаҳкам замин яратилаётир.

Контопарлар ҳузуридан қайтарканман, қудуқлар ичида порлаб турган машъалалар гўё қирлар бағрига ёқиб қўйилган улкан шамлардек бўлиб кўринарди. Улар кейинги йилларда очилган миллий бойликларимиз — ёқилғи-энергетика хазиналаримиз. Конларнинг кўплиги эса элимизнинг бойлигидир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ.

БОҚИЙ МЕРОС

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кечагина бутун дунёда Халқаро ёдгорликлар ва тарихий жойларни ҳимоя қилиш куни нишонланди. Ушбу сана муносабати билан йирик анжуманлар ташкил этилиб, қатор мамлакатларда тарихий обидалар ҳамон қаровсиз аҳволда эканлиги танқид қилинди. Бундай жойларни эътиборга олиш ва ободонлаштиришнинг чоралари изланди.

Юртимизда эса айни соҳадаги ишлар аллақачон юксак босқичларга кўтарилган. Ўтмишимизга оид ўн мингдан ортиқ маданий бойликларнинг барчаси давлат назоратида эканлигининг ўзиёқ бу соҳага бўлган эътибор кўлами нақадар кенглигидан далолат беради. Уларнинг олти мингдан кўпроғи меъморий обидалар бўлса, уч мингга яқини археологик қадамжолардир. Яна қанчадан-қанча тарихий ашёлар, ёзув ва топилмалар кўз қорачиғидек авайлаб келинаётир.

Юртбошимизнинг "Шарқ тароналари" Халқаро мусиқа фестивали очилиш маросимида айтган мана бу гапларига эътибор беринг-а. "...Самарқанд музейларининг бирида археологларимиз топган ғоят ноёб, тилла буюмлардан ҳам қимматлироқ мусиқий асбоб — беш минг йиллик най авайлаб-асралмоқда. Уни кўрган инсон беихтиёр Шарқ мусиқаси тарихини ўйлайди".

Дарҳақиқат, бир ўйлаб кўрилса, инсоният оддий камонни кашф этгунча неча асрларни бошдан ўтказган. Бошпана қуриш ёки устини ямашни ўргангунча яна қанча заҳмат чеккан. Мусиқа асбобини ясаш учун эса одамлар ўзининг кундалик ташвишларидан ортиб, маънавий ҳаёти ҳақида ўйлайдиган даражада тараққий этган бўлиши лозим.

Ҳозир биз яшаб турган ҳудуд беш минг йилдан анча олдин ривожлана бошлагани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу муқаддас тупроқ нафақат ўзбек халқининг, балки бутун инсониятнинг бешиги эканлиги бор ҳақиқат. Шу боисдан ҳам ЮНЕСКО ташкилоти оқсоч шаҳарларимизни башарият бойлиги сифатида ҳисобга олди. Самарқанд, Хива, Бухоро, Термиз, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг юбилейлари муносабати билан тарихий обидаларимиз файзига файз қўшилди.

Президентимизнинг "Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда аждодлар руҳига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир намунаси бўлди. Бу қадамжо халқимиз маънавий меросининг узвий бўлаги бўлиш билан бирга, мусулмон оламида эътибор қозонган табаррук маскан ҳамдир.

Бугун бу ерда ҳам кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Ушбу хайрли ва масъулиятли вазифага пойтахтимизнинг энг моҳир устаю меъморлари, қурувчию муҳандислари жалб этилган. Айни пайтда юртимиздаги бошқа тарихий обидаларни таъмирлашда қатнашган инсонларнинг тажрибасидан ҳам фойдаланилмоқда. Юртбошимизнинг тавсиясига кўра, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари қадимий меъморчилик санъатимизга монанд, пойтахтимизнинг салоҳияти ва салобатига мос бўлиши белгиланган.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги ва Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига ҳам қизғин тараддуд кўрилаётир. Тарихий обидаларини тиклаш баробарида ҳар икки шаҳар кўчалари янада кўркамлашиб, маҳаллалар обод бўлмоқда. Энг муҳими, бу эзгу амаллардан халқимизнинг боши кўкка етяпти.

Ҳа, истиқлол бизга фақатгина эркин яшаш, мустақил фикрлаш имкониятини эмас, тарихимизни эъзозлаш неъматини ҳам берди. Бундан ҳар қанча фахрланса ва қувонсак арзийди.

Анвар САМАДОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ДАВР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари А.Ҳўжаев, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ижрочи директори Ж.Ҳакимов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини демократлаштириш, модернизация қилиш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни ягона эзгу мақсадга – инсон манфаатларига хизмат этаётганини таъкидладилар.

Давлатимиз сиёсатининг мазмунмоҳиятини, юртимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнини чуқур таҳлилий ёндашган ҳолда, холис ва айни пайтда халқимизга тезкор етказишда, жамоатчилик фикрини шакллантиришда, одамларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёсдир. Юртбошимиз таклифи билан Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг ташкил этилиши юртимизда матбуот, ахборот агентликлари ва интернет-нашрлар ривожи йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Ўтган бир йил мобайнида фонд юртимизнинг чекка ҳудудларидаги босма нашрларни қўллаб-қувватлаш ва фаолиятини янада такомиллаштириш борасида қатор медиа-лойиҳалар, ижтимоий грант дастурларини амалга оширди. Бунинг натижасида кўплаб вилоят, туман босма нашрларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиши баробарида, уларнинг аксарияти ўз интернет-саҳифасига эга бўлди. Бу эса Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига оид холис ахборотлардан нафақат мазкур нашрларнинг обуначилари, балки дунё миқёсида кенг фойдаланиш имконини бермоқда.

Оммавий ахборот воситалари ўртасида соғлом ижодий рақобат, журналист кадрларнинг замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиши, ўз касбий маҳорати билан бирга сиёсий биликларида мавж ура бошлаган "қора олтин" конлари қалбимизда бемисл ғурур уйғотади. Чунки оппоқ пахтамиз каби нефтимиз ҳам мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон қўламидаги нуфузини оширмоқда.

Видеоанжуманда инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштиришда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари, жамият маънавиятини юксалтириш – ижтимоий сиёсатнинг муҳим омили, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни, ахборот жараёнлари глобаллашуви шароитида мамлакатимиз миллий манфаатларини таъминлаш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама этилди. Соҳага оид истиқболдаги фаолият йўналишлари белгилаб олинди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳаётини ёритишга йўналтирилган "Region Inform" ахборот хизматининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Шунингдек, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказилган "Матбуот маликаси" республика танловининг натижаси эълон қилинди. "Учитель Узбекистана" газетаси масъул котиби Наргис Қосимова танлов ғолибаси, деб топилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Тасвирларда ватан жамоли

Зилола Саидова илк бор фотокамерани қўлига олганини яхши эслайди. Бу ноёб асбобдан қандай фойдаланишни у Бухоро фотосанъатни ривожлантириш бадиий марказида таълим олган кезлари устози Шавкат Болтаевдан ўрганди. Фоторассомлик кишидан алоҳида укув ва кунт талаб этишини, масъулиятли иш эканини қалбдан ҳис қилади.

Кўргазма

Ўзига хос истеъдоди билан кўпчиликнинг тилига тушган Зилола тинмай изланди. Шу изланиш ва меҳнатлари натижаси ўлароқ пойтахтимизда бўлиб ўтган III Тошкент Халқаро фотобиенналесининг кумуш медали совриндорига айланди. У ёш бўлишига қарамай, ҳаётга теран нигоҳ билан назар ташлайди. Унинг туркум фотоасарлари мухлислар томонидан илиқ кутиб олинганлиги боиси ҳам шунда.

Яқинда Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида "Ҳар ким ҳар хил, барча баробар. Бухорода бағрикенглик анъаналари" номли фотокўргазма очилди. Ушбу кўргазмада етук фоторассомлар қаторида З. Саидованинг ҳам асарлари намойиш этилаётгани эътиборга молик.

Дарвоқе, Бухоро фотосанъатини ривожлантириш бадиий маркази 2003 йилда ташкил топган бўлиб, унинг аъзолари кўплаб республика ва хорижий фотокўргазма, фестивалларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Юлдуз РИЗАЕВА.

Орамиздаги одамлар

ОМАД УНИНГ ОРТИДА ЮРАР

— Ҳалимахон опа, бугун сизга роса кўп хат келди, — котиба қиз унга кундалик почтани тутқазаркан ҳавасини яширолмади. — Шогирдларингиздан бўлса керак.

Котиба адашмаган эди. Қай бир хатни очмасин, "Ассалому алайкум, ардоқли устозим! Сизни Наврўз байрами билан қутлайман", деб бошланарди. Хатларни кўздан кечираркан, ҳозир республикамизнинг турли вилоятларида меҳнат қилаётган шогирдлари бир-бир кўз олдидан ўта бошлади. Ўқитувчилик касбини танлаганидан қалби ғурурга тўлди.

Аслида Ҳалимахон бир кун келиб ўқитувчи бўламан, болалар мени "устоз", дея эъзозлашади, деб ўйламаганди. Унинг нияти иқтисодчи бўлиш ва бирор корхонада ишбу соҳа бўйича ишлаш эди. Охунбобоев туманидаги 17-ўрта мактабни муваффақиятли тугаллаб, Фарғона политехника институтига ҳужжат топширганида ҳам мақсади ана шу эди. Тақдир тақозосини қарангки, у институтни битиргач, корхонага эмас, Марғилон банк-кредит техникумига иқтисодиёт фани ўқитувчиси бўлиб ишга келди. Балки бунга талабалик йилларида ўқув-амалиёти чоғи ўқувчиларга сабоқ бергани сабаб бўлгандир.

— Болалигимизда ниҳоятда шўх эдим, — хотирлайди Ҳалима Ниёзбекова. — Бироқ, узоқдан устозимизни кўриб қолсак, ёки овозларини эшитсак, мўминтой болаларга айланардик-қолардик. Бу- у кишидан қўрққанимиздан эмас, азбаройи ҳурмат қилганимиздан эди. Илк бора дарсга кирган куним ана шу болалик хотиралари хаёлимда жонлангандек бўлди. Бироқ, техникум ўқувчилари биз — мактаб ўқувчиларидан фарқли ўлароқ, анча ўзларини тутиб олишган, оғир-вазмин эканлиги кўнглимда таскин уйғотди.

Айтиш мумкинки, ёш муаллима тез орада ўқувчилар билан сингишиб кетди. Ҳатто ундан айрим қизлар ўз муаммоларини бартараф қилиш йўлларини сўраб маслаҳатга кела бошлашди. Бу Ҳалимахонда ўзига бўлган ишончни оловлатди. Ўқув даргоҳига астойдил меҳр қўйиб ишлай бошлади. Ҳар бир дарсга тайёрланиш ва ўқувчиларга маърузалар ўқиш энг мароқли машғулотига айланди. Дарслари баҳс-мунозараларга бой бўлиши, ўқувчилар орасида устозга нисбатан ўзгача ҳурмат тилдан-тилга кўчиб, раҳбариятга ҳам етиб борди. Кўп ўтмай уни ишлаб чиқариш амалиёти бўйича мудир қилиб тайинлашди. Бу ёш педагог учун нафақат ишонч, балки катта масъулият ҳам эди. Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтаверди. Бу орада Ҳалимахон Россиянинг Санкт-Петербург ва Тверь шаҳарларидаги махсус курсларда ўқиб, малакасини ошириб қайтди. Энди у компьютер саводхонлиги бўйича ҳам ёшларга сабоқ бера бошлади. Мамлакат мустақиллигининг илк йили техникум Ўзбекистон Миллий банки тасарруфига ўтказилиб, банк коллежи мақомини олди. Бу ҳар бир ўқитувчига катта масъулият юклади. Негаки, коллеж ўқувчилари амалиётни тўғридан-тўғри молия муассасаларида ўтказар ва ўзининг ташаббускорлиги, билимдонлиги билан тилга тушган ўқувчилар ўша муассасага ишга таклиф этиларди. Ишлаб чиқариш амалиёти ўқувчиларнинг назарий билимларини мустаҳкамловчи якуний босқич ҳисобланиб, уларни банк муассасасига ишга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам Ҳалимахон коллеж раҳбарияти билан келишган ҳолда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги барча тижорат банклари билан амалиёт ўташ бўйича шартномалар тузди. Бугунги коллеж талабаси эртага банк ходимига айланади. Амалиётни яхши ўтаган ўқувчи эса муассасада иш бошлагач қийинчиликлардан чўчимайди, негаки унда маълум кўникма бўлади.

— Опа билан бир жамоада ишлаётганимга ўн йилдан ошди, — дейди Марғилон банк коллежи ўқитувчиси Мастура Саидмуродова. — Мен у кишидаги шиддат, мақсад сари интилиш, қаттиққўллик, энг асосийси самимиятга ҳавас қиламан. Опа ҳеч қачон омаднинг ортидан қувмайдилар, аксинча, омад у кишига эргашиб юради.

Дарвоқе, омад ҳақида. Балки у институтни битиргач, бирор корхонада иқтисодчи, ёки ҳисобчи бўлиб ишлаши, обрў-эътибор топиши мумкин эди. Бироқ, унинг "устоз" дея мурожаат қилувчи шогирдлари, ўқувчилари бўлмасди.

— Жамоамиз, ўқувчиларим, ҳамкасбларим эришаётган муваффақиятлар — менинг омадим, — дейди Ҳалимахон камтарлик билан. — Ўзингдаги бор билимларни бошқаларга улашиш бахти, бу ҳам омад. Кўп бора ҳаёт синовларига дуч келдим. Менга ўз касбим, сафдошларим, шогирдларим далда бўлишди. Зарур ҳолларда суянч тоғларимга айланишди. Нурхон Мамажонова, Валерий Григорьев, Абдуваҳоб Каримов, Жамила Сулаймонова, Баҳром Маматхонов сингари шогирдлар эъзозидаги инсонлар билан бир сафда ишлашим ҳам, аслида омадимдир.

Бугун опа мазкур даргоҳда амалиёт ишларини бошқариш билан бир қаторда, ўқувчиларга "Иқтисодий таҳлил" фанидан сабоқ беради. Йиллар югурик. Ҳалимахон Ниёзбекова ушбу даргоҳда иш бошлаганига ҳам чорак асрдан ошибди. У ҳар гал барча шароитлар яратилган, замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозланган кенг ва ёруғ хоналарда сабоқ берар экан, ўз касбидан, ўтган йиллар давомида тайёрлаган шогирдлари эришаётган ютуқларда ўзининг ҳам ҳиссаси борлигидан ғурурланиб кетади. Ўзидан, оиласидан ортиб "Ариқбўйи" маҳалласи жамоат ишларидан ҳам четда қолмайди. "Аёлларга бўлган муносабат — жамият етуклигининг мезони". Бу сўзларни Ҳалима Ниёзбекова маҳаллаларда, жамоат ташкилотларида ўтадиган тадбирларда бот-бот тилга олади. Етук жамиятнинг фаол аъзоси эканлиги эса унинг ташаббусларига қанот бахш этади.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Қочқинлар ёрдамга муҳтож

БМТ Ироқдаги қочқинларга ёрдам кўрсатиш мақсадида халқаро конференция ўтказишни режалаштирмоқда.

Халқаро ҳамжамият экспертларининг фикрича, айрим давлатлар ироқлик қочқинларга етарлича эътибор қаратмаяпти. БМТ маълумотларига кўра, Ироқдаги зўравонликлар сабаб ҳар ойда 50 минг нафарга яқин аҳоли ўз уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда. Айни пайтда 4 миллиондан ортиқ одам мамлакатни тарк этган.

Конференция Женевада ўтказилиши кутилаяпти. Унга жаҳоннинг 60 дан ортиқ давлат вакиллари таклиф этилди.

Заҳри қотилга қарши

Рио-де-Жанейро шаҳри марказида гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи гуруҳ ва полиция ходимлари ўртасида отишмалар бўлиб ўтди. Сўнгги маълумотларга қараганда, отишмалар чоғида 19 киши ҳалок бўлган.

Бразилия ҳукумати бундан олдинроқ Рио-де-Жанейро полициясига гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи гуруҳга қарши курашишда ёрдам бериш учун мамлакат армиясининг махсус бўлинмасини жўнатганди.

Оқ уйда отишмалар

Оқ уй ҳудудида АҚШ махфий хизмати ходимлари орасида отишмалар рўй берди. Бир ходим икки ҳамкасбини жароҳатлади. Махфий хизмат расмий вакили Даррин Блэкфорд ушбу маълумотни тасдиқлади.

Воқеа содир бўлган пайтда АҚШ президенти Жорж Буш Виржиния штатининг Техника университетидаги фожиага бағишланган мотам маросимида иштирок этаётганди. Эслатиб ўтамиз, 23 ёшли Жанубий кореялик талаба рашк туфайли университетнинг 32 нафар талабасини отиб ўлдирди. Яна 14 нафарини жароҳатлади.

Генералнинг таклифи

Эстония армияси қўмондони генерал-майор Антс Лаанеотс Болтиқбўйи давлатларига мурожаат қилиб, мазкур мамлакатлар ҳарбий ҳаво кучларини ягона бўлинмага бирлаштириш таклифи билан чиқди. Кузатувчиларнинг билдиришича, ушбу таклифга Латвия ва Литва давлатлари ҳали муносабат билдиргани йўқ.

2004 йилдан буён мазкур мамлакатларнинг ҳаво кенгликларини НАТО қирувчи самолётлари қўриқлайди. НАТОнинг ушбу миссияси жорий йилда тугаши керак. Бироқ Болтиқбўйи давлатлари ҳукуматлари ушбу муддатни 2018 йилга қадар узайтириш таклифи билан чиқмоқда.

Одам савдоси билан шуғулланганги учун...

Швеция прокуратураси Россиянинг тўрт нафар фуқаросига нисбатан айблов эълон қилди. Улар одам савдоси билан шуғулланганликда гумон қилинаяпти. Мамлакат прокуратураси маълумотларига кўра, айбланувчилар 2003 йилдан 2006 йилгача ушбу ноқонуний фаолият билан шуғулланиб келганлар. Швеция қонунчилигига кўра, бундай фаолият кўрсатганларга нисбатан фақат жарима солиш билан кифояланилган. Бироқ россияликларга оғирроқ жазо қўлланилиши мумкин.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хўжалик судининг 2002 йил 2 сентябрдаги 23-1090/06-2002-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Оролбўйисувқурилиш» АЖга қарашли, Нукус тумани, Акмангит қишлоғида жойлашган, 1972 йил қурилган, ер майдони 425,8 кв.м. бўлган устахона биноси.

Бошланғич баҳоси – 66 381 892 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 14, 29 май ва 14 июнь кунлари соат 12.00 да ушбу кўчмас мулк объекти сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Юқоридаги кўчмас мулк объекти билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй манзилида РКМБ Қорақалпоғистон филиали биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Қорақалпоғистон филиалининг ТИФ Миллий банк Қорақалпоғистон филиалидаги МФО 00582, ИНН 200933850, 20210000100571452055 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу кўчмас мулк объекти бўйича хабарномалар «Вести Каракалпакстана» газетасининг 2007 йил 14 апрелдаги 30-сонида чоп этилган.

Мурожаат учун манзил: Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй. Телефонлар: 8 (361) 222-84-44, 770-65-90.

РКМБ Самарқанд вилояти филиали қуйидаги кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси вақтинча тўхтатилганлигини маълум қилади:

Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган «Зарафшон» газетасининг 2007 йил 21 мартдаги 34-35, «Самаркандский Вестник» газетасининг 2007 йил 21 мартдаги 22 ва «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 28 мартдаги 60 (4213)-сонларида чоп этилган хабарномаларга асосан аукцион савдоларига чиқарилган «Транс Эксим» МЧЖга қарашли, Самарқанд шаҳри, Бедил кўчаси 18-уйда жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар:

Маъмурий бино объекти, 4 қаватли, 1984 йилда қурилган, пойдевори бетон, майдони 837,76 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 93 532 960 сўм 60 тийин.

Устахона биноси, 1983 йилда қурилган, пойдевори бетон, майдони 5358,24 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 113 064 989 сўм 20 тийин.

Машина ювиш биноси объекти, 2 қаватли, 1983 йилда қурилган, пойдевори бетон, майдони 1059,84 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 69 472 032 сўм 30 тийин.

Бокс биноси объекти, 1983 йилда қурилган, пойдевори бетон, майдони 1469,4 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 24 254 595 сўм 90 тийин.

Савдони тўхтатиш учун асос: Самарқанд вилояти хўжалик судининг 14-06-02/ 764-сонли хўжалик иши бўйича 2007 йил 9 апрелдаги ажрими.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.

MANAGEMENT CONSULTING

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22 000), ISO/IEC 27001, AS 9100 халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Компания мижозлари:

- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» КК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» КК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Viniad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 154-66-98. Факс (+99871) 132-20-88. e-mail: info@mc.uz https://www.mc.uz

Хизматлар лицензияланган

Қурувчи, тадқиқот ва кадастр ташкилотлари диққатига!

- қурилишда ишлатиладиган ўлчов-тадқиқот асбоб ускуналари;
- бузмасдан текшириш ва техник диагностика ўлчов асбоблари;
- оптик ва рақамли нивелирлар, оптик ва электрон теодолитлар;
- лазер ва электрон масофа ўлчагичлар;
- фибергласс ва темирли узунликни ўлчовчи рулеткалар (3 м, 5 м, 8 м, 20 м, 25 м, 50 м, 100 м);
- электрон тахеометрлар, GPS/ГЛОНАСС – тизимлари, GARMIN шахсий ва автонавигаторлари.

Тўловни узайтириш имконияти билан, божхонада расмийлаштирилган ва сертификатланган GPS тизимларини таклиф этамиз.

Кредитга расмийлаштириш имконияти

Навоий кўчаси, 2-«А» уй. Тел.: 142-46-31, 134-53-66. Факс: 134-53-68.
E-mail:geo_inform@yahoo.com Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияга эга.

СКБ СТРОЙПРИБОР SOUTH 南方測绘 Trimble B.V.(Нидерланды) BRESTRA

Акс-садо

Мен «Халқ сўзи» газетасида «Қандай қилсак эҳсонларимиз қабул бўлади?» сарлавҳали мақолани ўқиб жуда хурсанд бўлдим.

ХОТИРА АЗИЗ

Беихтиёр ҳадисларда ота-она вафотидан кейин унинг дўст-биродарларини йўқлаб туриш хусусида битилган сўзлар ёдимга келди. Зеро, ном чиқариш учун катта зиёфатлар уюштиргандан кўра, мақолада таъкидланганидек, кексаларга ош бериб, улар дуосини олган минг бор афзал. Шунингдек, қаровчиси бўлмаган қариялар, кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ногиронларга мурувват кўрсатиш ҳам савоб ишдир.

Шу ўринда айтиб ўтишни истардимки, аввало, бир-биримизни ҳаётлигимизда қадрлайлик. Ота-онамиз, ака-укамиз, қариндош-уруғимиз ва оиламизнинг ҳар лаҳзада бизга кераклиги ва тирнаклигини шукроналик билан эслатиб турайлик. Чунки, вафот этганлар ҳеч қачон қайтиб келмайдилар. Маросимлар қанчалик дабдаба билан ўтказмайлик, бефойда. Унинг ўрнига вақти-вақти билан ўтганларни камтарона ёд этиб туриш, руҳи покларига тиловат айлаш биз — тирикларнинг вазифамиздир.

Ҳасан МАТЁҚУБОВ,
меҳнат фахрийси.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

O'TKAZIB YUBORMANG

TIHE 2007

12-O'ZBEK XALQARO KO'RGAZMA

SOG'LIQNI SAQLASH

TIBBIYOT USKUNALARI, ASBOBLARI, FARMATSEVTIKA MAHSULOTLARI

24–27 APREL 2007

O'zbekiston, Toshkent, O'zekspomarkaz

www.tihe.uz

O'zbekiston, 100015, Toshkent, Oybek ko'chasi, 20
Tel.: +(998 71) 113 01 80, faks: +(998 71) 152 51 64
E-mail: healthcare@ite-uzbekistan.uz

ITE UZBEKISTAN

O'TKAZIB YUBORMANG

LOK Kolor SINTEZ

ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН ЛАК-БЎЁҚ МАТЕРИАЛЛАРИ

ИНТЕРЬЕР УЧУН СУВЛИ ҚОПЛАМАЛАР (девор ва шифтлар учун бўёқ)
ФАСАД УЧУН ҚОПЛАМАЛАР (пропитка, грунтовка, бўёқ)
Универсал АЛКИДЛИ ЭМАЛЬ
Пол учун ЭМАЛЬ
Томлар ва юк вагонлари учун ЭМАЛЬ
Сув ҳавзалари учун БЎЁҚЛАР
Саноат ускуналари, қишлоқ хўжалиги машиналари учун СУВГА ВА КИМЁВИЙ ТАЪСИРЛАРГА ЧИДАМЛИ АКРИЛАТЛИ ҚОПЛАМАЛАР
Металл конструкциялар, локомотивлар, қишлоқ хўжалиги ва йўл машиналари учун ЮҚОРИ АТМОСФЕРА ТАЪСИРЛАРИГА ЧИДАМЛИ АЛКИДУРЕТАНЛИ ҚОПЛАМАЛАР
Йўл чизгилари учун БЎЁҚ
Ёғоч ва бўялган юзалар учун (рангли ва рангсиз) ЛАКЛАР
ХИМОЯВИЙ ҚОПЛАМАЛАР (турли юзалар учун грунтовка, шпатлёвка)
Шунингдек, АЛКИД СМОЛАСИ (лак-бўёқ саноати учун яримфабрикат лак)

Ушбу маҳсулотларимизни корхонамизнинг қуйидаги манзилда жойлашган ФИРМА ДЎКОНИДАН завод нархида сотиб олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor_uz@mail.ru www.lokkolor.uz

Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Универсиада—2007" мусобақаларига бу сафар пойтахтимиз Тошкент мезбонлик қилади. Тадбир бўлиб ўтадиган "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида байрам руҳи ҳукмрон. Барча шарт-шароитлар муҳайё этилган даргоҳда ёшлар қунт билан таҳсил олмоқдалар, талабалар замонавий турар-жойларда истиқомат қилишмоқда. Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Давлат техника университети спорт мажмуалари, теннис кортлари, волейбол, баскетбол майдончалари қайта таъмирланиши билан бирга яна иккита гимнастика зали ва иккита ёпиқ сув спорти саройи барпо этилди.

Қарорда таъкидланганидек, спорт иншоотлари халқаро талаблар даражасида тайёрланмоқда. Ўзбекистон Миллий университетининг сув спорти саройи меҳмонларни қабул қилишга шай турибди. 2,5 метр чуқурликдаги, 8 йўлкадан иборат ҳавзада сув спортининг деярли барча турлари бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин.

Жойларда "Универсиада — 2007" мусобақаларининг саралаш босқичлари ниҳоясига етди. Вилоятлар терма жамоалари шакилланди. Улар сўнгги ўқув-йиғин машғулотларини ўтказмоқдалар.

Бу йил мусобақанинг финал босқичида ёшлар футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, дзюдо, кураш, белбоғли кураш, теннис, стол тенниси, шахмат, сузиш, енгил атлетика каби ўн иккита спорт тури бўйича ўзаро беллашадилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Мотопойга:
ЭПЧИЛЛАР ҒОЛИБ

Жиззах вилоятининг "Наврўзбулоқ" автодроми мотопойга бўйича Ўзбекистон чемпионатининг навбатдаги босқич беллашувларига мезбонлик қилди.

Мудофаага қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши ҳамда республика Техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамкорлигида уюштирилган мусобақада 150 нафарга яқин спортчи иштирок этди.

Мусобақада Владислав Жилин, Дмитрий Лимар, Николай Киламакин, Марсель Галиев, Евгений Заднов, Виктор Лавров ва Толиб Исоқовлар совриндорлар сафидан жой олишди.

Умумжамоа ҳисобида навоийликлар биринчи, Тошкент вилояти жамоаси иккинчи, Тошкент шаҳри спортчилари эса учинчи ўринни эгаллашди.

Б. САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Қўқонда қўл жанги бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган республика биринчилигидан Урганч шаҳридаги "Паҳлавон" спорт мажмуаси тарбияланувчилари медаллар шодаси билан қайтишди.

Хоразмлик ёш чемпионлар

Бу умидли ўсмир ва қизларни мусобақага мураббий Умида Юсупова тайёрлади. Шогирдларидан Роза Камолова ва Аббос Нурматов олтин, Дониёр Худойберганов кумуш, Ёдгор Жуманазаров эса ўз вазн тоифасида бронза медалларига сазовор бўлишди.

О. РАҲИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Кино

Бундан йигирма беш йил муқаддам режиссёр Латиф Файзиевнинг "Водиллик келин" фильми экранларга чиққан эди. Эндиликда мазкур кинонинг янгича талқини суратга олинадиган бўлди. Гап шундаки, режиссёр ва актёр Фурқат Файзиев ўз отаси ишини давом эттириб, "Водиллик келин" фильмидаги воқеаларни ривожлантиришга аҳд қилди.

«ВОДИЛЛИК КЕЛИН»НИНГ «ФАРЗАНДИ»

— Фильм сценарийси тайёр, актёрлар ҳам танланган, — дейди режиссёр. — Барча ролларда таниқли актёрлар ўйнаши мўлжалланмоқда. Эътиборлиси, асосий қаҳрамонларни аввалги ижрочиларнинг ўзлари талқин этишади. Мақсад, асар орқали ўзбекона лутф, самимийлик ва албатта, муҳаббатни тараннум этиш.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда фильм ижодкорлари, кино танқидчилар ва марҳум режиссёр Латиф Файзиевнинг фарзандлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Фильм ижодкорлари "Водиллик келин"нинг суратга олиш жараёнлари ҳақида муфассал маълумот бердилар.

Ижодий гуруҳнинг айтишича, фильмда миллий қўшиқлар ва ҳажжонли лавҳаларга кенг ўрин берилади.

Қ. ЭШМАТОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Қилмиш-қидирмиш

Талончининг югургани...

Тошкент шаҳар, Бектемир тумани ички ишлар бўлимига ташвишли қиёфада кириб келган қашқадарёлик М.Сафарова 25-30 ёшлар чамасидаги йигит кўчада унга пичоқ ўқталиб, 550 АҚШ долларини, 280 минг сўмини ҳамда мобиль телефонини ўмариб кетганидан нолиди. Шу асосда уюштирилган шошилинч тадбир муваффақиятли якунланди. Избоскан туманида истиқомат қилувчи, муқаддам судланган И.Шухрат мўмай ўлжасини "ҳазм" қилишга улгурмаёқ қўлга тушди. Унинг ёнидан чиққан пуллар ва телефон ашёвий далил сифатида олинди.

Эгрининг ишидан тўғри уялар

Оҳангаронлик Р.Бойназаровнинг қўрасидан ҳар бири биттадан қўйни "билмасдан етаклаб кетган" беш нафар навқирон йигитга ҳам ҳаром татимади. Ҳаммаси қилмишига яраша жиноий жавобгарликка тортилди. Бунданам ачинарлиси, фарзандларининг юриш-туришини назорат қилишни унутган ота-оналарнинг боши эл-юрт олдида хам бўлиб қолди.

Арзоннинг шўрваси татимас

Мамлакатимиз бозорларига четдан ноқонуний равишда сифатсиз маҳсулотлар олиб кирилишига қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Бу хайрли ишга Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар.

Яқинда Қорақўл туманида яшовчи Ў.Бойлиев бошқарувидаги "Мерседес — Бенц" автобуси Гулистон шаҳри ҳудудида тўхтатилиб, қўздан кечирилди. Шу асно унда умумий қиймати 2,3 миллион сўмлик маиший техника воситалари, 8,4 минг сўмлик газламалар борлиги аниқланди. Суриштирувлар якунида улар бухоролик А.Алимова ва галаосиёлик Х.Ражабовага тегишли эканлиги маълум бўлди.

Қўқонлик И.Ғаниева ҳам арзон-гаровга кўтара харид қилинган 1 миллион сўмлик кўрпа-тўшакларни ими-жимида пуллашни мўлжаллаган, шу ниятда уларни киракаш И.Ёдгоровнинг "Дамас"ига юклаб, йўлга тушган экан. Улуғобод қўрғонига етганида, тезкор тадбир ходимларига рўбарў келди-ю, сафари қариди. Ўзига қарашли "Мерседес — Бенц" русумли автобусда 1,5 миллион сўмлик 14 турдаги хўжалик молларини ҳужжатсиз олиб кетаётган деновлик М.Муродовнинг ҳуқуқбузарлигига ҳам шу зайл чек қўйилди.

Тўхтатиб қолинган маҳсулотларнинг барчаси хорижда ишлаб чиқарилгани ва республикамиз ҳудудига қонунбузарлар томонидан мўмай даромад орттириш илинжида хуфёна олиб кирилгани исботланди.

Марҳумга ҳужум

Қумқўрғон тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Сурхондарё соҳилидан эркак кишининг жасади топилди.

Унинг ёнида куйган мато ва елим шиша идиш ҳам бор эди...

Тезкор гуруҳ аъзолари кўп ўтмай марҳумнинг шахсини аниқлашди. Аниқлашди-ю, ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди. Негаки, мурда икки ойча муқаддам 74 ёшида юрак хуружидан вафот этган ва қишлоқ қабристонига дафн этилган Ш. бўлиб чиқди.

Кейинчалик маълум бўлишича, қариянинг тошмеҳр ўғли ва келини балоғат остонасидаги дардман қизининг саломатлигидан хавотирланиб, фолбинга мурожаат қилган, отахоннинг суратига қараб ром очган "башоратчи" эса уларга майитни қабрдан чиқариб, ёқиб юборишни "маслаҳат" берган экан...

Олов билан бекитай деб...

Эндигина 31 ёшни қоралаган М.Райим марҳаматлик М.Ражабованинг ҳовлисига яширинча кириб, аввалига 500 минг сўм пулни ва турли-туман қимматбаҳо заргарлик буюмларини чўнтагига урди. Кейин бу билан ҳам қаноатланмай, уйга ўт қўйиб юборди. Яхшиямки, хонадон бекаси сезиб қолиб, эндигина алангалана бошлаган "тилсиз ёв"ни фурсат ғаниматида бартараф этишга улгурди.

Воқеа тафсилотларини батафсил ўрганган милиция ходимлари М.Райимни гумондор сифатида ҳибсга олишди.

Одатда, шунақа бўлади: эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши сингари бирпасда унутилади.

Сўнгги жанжал

Бундай ҳолатни салкам ярим аср бирга яшаган мирзачўллик К.Яковь ва О.Евдокия ҳам кўп бор бошларидан кечиришганди. Бироқ уларнинг ўртасида арзимаган гапдан бошланган охирги даҳанаки жанжал фожиали якун топди. Ади-бадидан асаби қайнаб, жаҳл отига минган чол олдинига кампирининг бошига болта билан туширди. Кейин қўл урган жиноятидан даҳшатга тушиб, ўз жонига қасд қилди...

Алқисса, эр-хотинга бир вақтнинг ўзида қўш аза очилди.

Ички ишлар вазирлигининг тезкор хабарлари асосида Абдунаби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

NBU

Ўзмиллийбанк билан Оверси-Чайниз Бэнкинг Корпорейшен (Сингапур) ўртасида 50 млн. АҚШ доллари қийматида тузилган экспорт кредити бўйича банкларо битимнинг асосий шартлари ҳақида АХБОРОТ

- **кредит йўналишининг умумий суммаси — 50 млн. АҚШ доллари;**
- **кредит йўналишининг мақсади — Сингапур ускуналари, товарлари ва хизматлари етказиб берилишини молиялаш;**
- **кредит йўналиши у амал қиладиган бутун муддат давомида револьверли бўлади;**
- **молиялаш механизми — ҳужжатларни тақдим этиш бўйича аккредитивга мувофиқ, юк жўнатиш ҳужжатлари олинганда Сингапурдаги етказиб берувчига суммаларни ўтказиш;**
- **ўзлаштириш даври — ҳар бир кредит маъқулланган санадан кейин 12 ой;**
- **кредит бўйича сўндириш муддати — ҳар бир ўзлаштиришдан кейин 360 кун;**
- **фоиз ставкаси Либор + ОСВС банкининг маржаси — Ўзмиллийбанк маржасига асосланади;**
- **индивидуал ўзлаштириш суммаси савдо контракти суммасининг 100%дан ва кредит йўналишининг максимал миқдоридан (50 млн. АҚШ долларидан) ошмаслиги керак.**

Хизматлар лицензияланган.

524R/228

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Ґазделвайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг (Россия) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. **Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
2. **Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**

410R/518

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-32214 (4х4) "Тез ёрдам"

Маҳсулот сертификатланган



ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

2734/752

SiRUBA



ПОД ЗАКАЗ — ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

184-83-25 184-83-26 142-77-03

410R/1243

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Й. О. Жўраевга волидаи муҳтарамалари
ШАРОФАТ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон театр ижодкорлари уюшмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан маданият ходими, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг профессори
Лола ХЎЖАЕВАнинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси Ахборот технологиялари кафедраси доценти
Юсупбой МУХАМЕДОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти жамоаси Мусиқали театр санъати кафедрасининг катта ўқитувчиси Улуғбек Зуфаровга волидаи муҳтарамаси
МАЪСУМА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси институт қошидаги Академик лицейнинг она тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси
Раъно Раҳматжановна УМАРОВАнинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

(т)-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 2.00 Топширилди — 2.30 1 2 3 4 5